

**АНДИЖОН СУВ ОМБОРИНИ
ФАВҚУЛОДДА ХОЛАТЛАРДА
БОШҚАРИШ**

Д.Назаралиев

ТОШКЕНТ 2016

УМУМИЙ ҚИСМ

Сув омбори жойлашга ҳудуднинг иқлимий шароитлари тавсифи

Андижон сув омбори жойлашган ҳудуднинг ёзи иссиқ, қиши нисбаттан совуқ бўлиб, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати $+13,3^{\circ}\text{C}$ даража бўлади. Ёз мавсумида ҳавонинг абсалют максимал ҳарорати $+40,8^{\circ}\text{C}$ даражани, июль ойида ўртача $+24,8^{\circ}\text{C}$ даражани ва қиш даврида ҳавонинг абсалют минимум ҳарорати -31°C даражани ташкил этади.

Ёғингарчилик асосан ноябр-апрел ойларида кузатилади. Энг кўп ёғингарчилик даври март-апрель ойларига тўғри келади. Йиллик ўртача буғланиш 1090 мм ни ташкил этади.

Сув омборини тўлдирувчи манбанинг гидрологик тавсифи

Қорадарё Сирдарёнинг асосий ирмоқларидан бири ҳисобланиб, дарё ҳавзасининг сув тўплаш майдони 26,6 минг км² ни ташкил этади. Дарё Фарғона тизмасининг жанубий - шарқий ва Олай тоғ тизмасининг шимолий ён бағирларидан бошланадиган Тар ва Қорағулжа дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Дарёга иккита йирик ирмоқ Ясси ва Қуршоб дарёлари келиб қўшилади. Балиқчи қишлоғи яқинида Норин дарёси билан қўшилиб Сирдарёни ҳосил қилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР :

Битирув малакавий ишида сув омборида кузатувлар олиб борилди ва қуйидаги натижаларга эришилди.

- Сув омбори эксплуатациясининг кўп йиллик маълумотларидан фойдаланган ҳолда сув омборининг сув сатҳи режими ишлаб чиқилди ва сув омборига қуйилган кўп йиллик оқим миқдорлари таҳлил қилинди;
- Сув омборининг турли даврларга мўлжалланган сув ҳарорат ва музланиш режимлари аниқлаштирилди;
- Сув омбори ҳавзасида шамол таъсирида бўладиган тўлқинлар ҳисобий йўл билан аниқлаштирилди ва тўлқин баландлиги ҳисобланди;
- Сув омборини лойқа босиши бўйича ҳисоблар келтирилди;
- Сув омборининг сув балансини тузишда унинг барча ташкил этувчиларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Сув омборини эксплуатация қилишда юқорида келтирилган тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, чора-тадбирлар ўз вақтида режалаштирилиб олиб борилса, уларда учраб турадиган носозликларни, авария ҳолатларини олди олиниб, сув омбори эксплуатацияси ишончилиги янада ортади ва такомиллашади, сув омбори заҳирасидаги сувдан эса самарали фойдаланишга эришилади ҳамда сувга бўлган талабни қондиришда яхши натижаларга эришилади.